Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 34 (485) 2021 йил 4 май, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнига оид тақдимот билан танишди.

Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақага спортчиларимизни тайёрлаш учун кенг шароит яратилган эди. Юқори малакали мутахассислар жалб қилиниб, юзлаб ўқув-машғулотлар ташкил этилди. Бугунги кунгача спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларига 41 та, Паралимпия ўйинларига 16 та йўлланма олган.

Тақдимотда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати танқид қилиниб, қониқарсиз деб баҳоланди. Май-июль ойларидаги мусобақаларда яна йўлланмаларни қўлга киритиш учун спортчилар ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Спортчиларга хизматларни кучайтириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Федерациялар фаолиятини такомиллаштириб, жалб қилинган малакали спорт менежерлари билан бирга олимпиадачиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини яхшилаш учун ҳар бир спорт тури бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## Ёшлар хиёбони фойдаланишга топширилди

**Қашқадарё вилояти Косон тумани марказида замонавий Ёшлар хиёбони барпо этилди.**

“Promaks Buldings” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилган, лойиҳа қиймати 800 миллион сўмни ташкил этган ушбу мажмуанинг фойдаланишга топширилиши туман аҳли, айниқса, ёшларга бир олам қувонч улашди.

Халқ тилида “Уч қирра” номи билан танилган, яқин-яқингача қаровсиз, ташландиқ ҳудуд бўлган бу жойнинг бугунги манзараси тамомила ўзгача.

Албатта, хиёбон сайр қилувчилар, ҳордиқ чиқарувчилар учун ҳар томонлама қулай бўлиши билан бир қаторда кишига эстетик завқ ҳам бағишлаши, тасаввурини янада бойитиши, орзулар оғушига чорлаши лозим. Косон туманидаги Ёшлар хиёбонини барпо этишда ана шу жиҳатга алоҳида урғу берилган. Бу ерда оддий ўтирғичлардан тортиб, фавворалар, яшил майдонлар ва ҳатто ёритиш чироқларигача яхлит композиция кўринишига келтирилгани эътиборга молик.

Тумани ҳокимлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, айни пайтда Ёшлар хиёбонида шахмат клуби ҳамда дам олувчиларга савдо ва бошқа хизмат турлари кўрсатадиган тадбиркорлик объектлари барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.







**Суратларда:** Қашқадарё вилояти Косон тумани марказида барпо этилган Ёшлар хиёбонида.
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

### Шу куннинг гаплари

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз яқинида 104 гектарлик манзарали боғ барпо этилмоқда. Боғнинг умумий кўриниши улкан дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини ифодалайди. Бу ерда сунъий кўл, спорт майдонлари, болалар ўйингоҳлари, фавворалар қурилади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган **Истиқлол мажмуаси** ҳам шу ерда барпо этилади. Мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси ҳам бунёд этилади.

Статистик маълумотларга кўра, йилнинг биринчи чорагида республикамизда **19,6 трлн** сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу – ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда 100,5 фоизга тенгдир.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг уч ойида республикамизнинг йирик корхоналар томонидан **2,2 млн тонна** цемент ишлаб чиқарилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоизга кўпдир.

Наманганнинг Косонсой туманидаги “Кушон” кичик саноат зонасидаги 110 гектар майдонда 1196,6 млрд сўмлик 170 та лойиҳани жойлаштириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Ҳозиргача **564 млрд** сўмлик 106 та лойиҳа ўз эгасини топган.

## ҚУРИЛИШДАГИ ТУБ БУРИЛИШЛАР

### соҳада амалга оширилаётган ишларнинг иқтисодий статистикаси

**Музаффар ЖАМОЛОВ,**
Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи.

**Мамлакатимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш ва уларни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилишга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ўтказилмоқда.**



2-бет

### Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 16-моддаси нима ҳақида?



**16-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар**

Тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни бошлаш тўғрисида ваколатли органни хабардор қилиш асосида фаолият юритадиган юридик шахслар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар (бундан буён матнда ишлаб чиқувчилар деб юритилади) бўлиши мумкин.

**Ишлаб чиқувчилар:**

- ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва ҳажмини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир танловларда иштирок этиш;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича муаллифлик назоратини олиб бориш;
- қурилиш, монтаж ишлари ва махсус ишлар тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳамда норматив талаблардан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, маданий мерос объектларининг шикастланиши ҳамда йўқ қилиниши хавфини туғдирадиган, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг, жамият ва давлатнинг манфаатларига зиён келтирадиган тарздаги четга чиқишлар билан бажарилган тақдирда, қурилиш, монтаж ишларини ва махсус ишларни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритиш;
- зарур ҳолларда, шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

**Ишлаб чиқувчилар:**

- шаҳарсозлик ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилишини таъминлаши;
- ўзлари ишлаб чиққан шаҳарсозлик ҳужжатларини барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиб олиши шарт.

Ишлаб чиқувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### Ҳудудлардан хабарлар

## Малакали мутахассислар тайёрланади

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқанддаги қурилиш коллежи базасида қурилиш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш маркази иш бошлади.**

Ушбу марказга собиқ “Темурбеклар мактаби” биноси ажратилган бўлиб, уни қайта таъмирлаш, барча қулайликлар яратиш, зарур шароитларни таъминлаш учун 12 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилганлигини айтиб ўтиш лозим. Таълим муассасасида уч ой давомида чет элларда ёки юртимиздаги бинокорлик объектларида фаолият кўрсатиш истагида бўлган 18-30 ёшдаги йигит-қизларга 14 хил касб-корни ўргатиш режалаштирилган.

Касб ўрганувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида давлатимиз томонидан стипендия таъсис қилингани диққатга моликдир. Шунингдек, битирувчиларга ўқиганлик ҳақидаги гувоҳнома билан бир қаторда дунёнинг исталган жойида ишга қабул қилиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификат топширилади.

## Журналистларга янги бино

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёзёвон тумани ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган “Марказий Фарғона” газетаси таҳририяти ижодий жамоаси анча йиллардан буён ижарада турарди. Туман ҳокимлиги ҳудудида “Бек таъмир” МЧЖ томонидан замонавий ва кўркам бино қуриб битказилди.**

Бинода Ахборот хизмати раҳбари, бош муҳаррир ҳамда ижодий ходимлар учун алоҳида шинам хоналар мавжуд. Бундан ташқари, компьютер хонасида интернетдан фойдаланиш имконияти яратилган. Турли анжуманлар ўтказиш учун кичик зал ҳам мавжуд. Мазкур бинони қуриш учун туман маҳаллий бюджетидан 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Узоқ йиллар таҳририятда бош муҳаррир вазифасида ишлаганман, – дейди фахрий журналист Умаржон Исмоилов. – Журналист ва ижодкорларга бундай ғамхўрлик илгари бўлмаган.

Мазкур бинонинг очилиш тадбирида туман ҳокимлиги Ахборот хизматига “Спарк” автомашинаси топширилди.

## Нукус ва Элликқалъада кўприклар қурилди

**Марат УЛПЕТОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги умум фойдаланишдаги “Нукус – Чимбай – Тахтакўпир” автомобиль йўлининг 4,5 километрда жойлашган пиёдалар ўтувчи кўприкнинг қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди.**

Шунингдек, Элликқалъа тумани республиканинг туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг бири ҳисобланади. Бу ердаги тарихий объектларни кўришни мақсад қилган туристлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Халқ ихтиёрига топширилаётган янги кўприк туманга кираверишда асосий дарвоза вазифасини бажаради. Узунлиги 60 метр, эни 12 метр бўлган кўприкни қайта қуриш ишлари 2020 йил бошланган эди. У “Келажак строй” МЧЖ қурувчилари томонидан муддатида қуриб битказилди.

Қурилиш ишларига 4 млрд 365 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш материалларининг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган. Элликқалъа ва Беруний туманларини боғловчи бу кўприк 2 та туманнинг ижтимоий-иқтисодий турмушидаги ўрни учун аҳамиятли ҳисобланади. Эски кўприк 1970 йилда қурилган бўлиб, бор-йўғи 60 тоннагача юкни кўтариш қобилиятига эга эди. Барча талабларга жавоб берадиган мазкур кўприк орқали 100 тоннагача оғирликдаги юкни бемалол олиб ўтиш имконияти пайдо бўлди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№34 (485) 2021 йил 4 май

# ҚУРИЛИШДАГИ ТУБ БУРИЛИШЛАР

## соҳада амалга оширилаётган ишларнинг иқтисодий статистикаси

1-бет



Шиддат билан қад кўтараётган ижтимоий объектлар, кўп қаватли турар жойлар, умуман олганда, барча турдаги бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Бу ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирлар кўриляпти. Бунинг натижасида соҳада жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Хозирги кунда қурилиш билан шуғулланаётган тадбиркорлар фаолиятини янада кучайтиришга миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Буни қурилиш соҳасида ишлаётган тадбиркорлар сони жадал ошиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Статистик таҳлил натижалари 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 40,9 мингтани ташкил этиб, 2019 йилдагига нисбатан 4,7 мингтага ошгани сўнгги 4 йилда мазкур кўрсаткич 19 160 тага кўпайганидан далолат бермоқда. Яъни 2017 йилдагига таққослаганда улар сони 1,9 баробар ошиб, республикадаги жами корхоналар таркибида қурилиш корхоналари улуши 8,6 фоиза етган.

**Қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони бўйича маълумот (бирликда)**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатаётган корхоналар таркибида бино ва иншоотлар қуриш 58,0 фоиз (2019 йилдагига нисбатан 8,0 фоиз ошган), фуқаролик объектларини қуриш 9,3 фоиз (2019 йилдагига нисбатан 22,2 фоиз ўсган) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 32,6 фоиз (2019 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 20,8 фоиз) ортганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда қурилиш тармоғи юртимизда моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2020 йил январь-декабрь ойларида 7,0 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари ҳажмининг кейинги йилларда юқори ўсиш суръатига эга бўлиши ва ЯИМдаги улуши ошиб боришига йирик лойиҳалар асосий таянч бўляпти. Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар бунга амалий мисолдир. Жумладан, муҳтож оилаларни арзон уй-жой билан таъминлаш мақсадида Сергели туманида 2017 йилда бошланган бунёдкорлик ишлари натижасида мазкур ҳудудда 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келди.

Қабул қилинган мақсадли давлат дастурлари доирасида ҳамда давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларга мувофиқ, жойларда қатор ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилмоқда. Пойтахтимизда "Tashkent City" замонавий ишбилармонлик маркази қад ростлаяпти. Бу ерда илғор лойиҳалар ва ўзига хос архитектура ечимлари асосида уй-жойлар, офислар, бизнес марказлар, кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари, миллий ва замонавий услубдаги инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотлар барпо этиляпти.

Шунингдек, Тошкент вилояти маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрини мутлақо янгича ёндашув асосида ва илғор хорижий меъморчилик ютуқларини қўллаган ҳолда қуриш белгиланган. Ушбу шаҳарнинг бош режаси етакчи хорижий архитекторлик компанияси томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида ер усти метро линияси, Юнусобод метро йўналишининг "Шаҳристон" ва "Туркистон" бекатлари қурилиши аҳоли учун замонавий ва хавфсиз транспорт қулайликларини яратди.

Қурилишнинг жадаллиги ва миқёсининг кенглигига доир мисолларни ҳар бир ҳудуддан келтириш мумкин.

2020 йилнинг январь–декабрь ойларида мамлакатимизда жами 87,8 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўсиш суръати 2019 йилдагига нисбатан 109,1 фоизни ташкил этди. Жами қурилиш ишларининг 70,5 фоизи янги лойиҳалар бўйича бажарилгани, иқтисодиётда янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга объектлар барпо этилаётгани, албатта, унинг барқарор ўсишига замин яратади.

**Республикада иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари (2020 йил январь-декабрь, фоизда)**




Турар жой ва нотурар жой биноларни қуришнинг улуши соҳа ишларининг умумий ҳажмида 73,2 фоизга тенг бўлди.

Автомобиль йўллари, кўприклар ва тунеллар, темир йўллар, аэродромлар, суғориш тизимлари, саноат иншоотлари, электр узатиш линиялари, очиқ спорт мажмуалари каби фуқаролик объектлари қурилиш бўйича бажарилган ишлар улушининг 15,1 фоизини ташкил этди. 11,7 фоизи эса ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳиссасига тўғри келади. Бу, албатта, аҳоли турмуш даражаси ўсиб бораётганидан далолатдир.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик қурилиш корхона ва ташкилотлари томонидан 24,2 триллион сўмлик иш бажарилиб, бу жами бунёдкорлик ҳажмига нисбатан 27,6 фоизни ташкил этган. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган ишлар ҳажми 52,8 фоиз, жисмоний шахсларники 19,6 фоиздан иборат бўлди. Умумий ҳажмнинг 4,2 фоизи давлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида олиб борилаётган қатор чора-тадбирлар натижасида нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналар улуши ҳам ортиб бормоқда. Қурилиш билан шуғулланаётган, нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 84,2 триллион сўмлик ( жами қурилиш ишларининг 95,8 фоизи) ишлар бажарилди. Бу кўрсаткич 2019 йилдагига нисбатан 1,5 пунктга кўпайгани кузатилди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида мамлакатимизда жами 19 триллион 547,4 сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2020 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 0,5 фоизга ўсди.

Мухтасар айтганда, ҳозирги кунда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари келажакда кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантиришда индикатор вазифасини бажаради. Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш устувор вазифага айланиб бормоқда.

**("Янги Ўзбекистон" газетасидан олинди).**


## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "UzautoComponents"нинг 2021 йил 13 апрелдаги 6-сонли улушни сотиш бўйича қарорига асосан, "Uzchasys" МЧЖ ҚК устав капиталидаги "UzautoComponents" МЧЖга тегишли улушнинг 51 фоизи қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 76 826 987 808 сўм.

**"Uz Chasys" MCHJ устав капиталидаги 51 фоиз улушни сотиш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

"Ўзавтосаноат" АЖ – "UzautoComponents" MCHJ va "UzAuto Motors" АЖнинг ягона акциядори (таъсисчиси) (*кейинчалик матнда* – **"Uzauto"**) сифатида 10 йил давомида рақобат муҳитида ва ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида Харидорни Ўзбекистон Республикасида "машинасозлик соҳасида" бизнесни амалга оширишда **қўллаб-қувватлайди**.

**"Uzauto"** келажакда янги потенциал лойиҳалар учун устувор етказиб берувчи сифатида "Uz chasys" МЧЖ ҚКни тан олади.

**"Uzauto"** "Uz chasys" МЧЖ ҚКга маҳаллий Қонунчилик ва/ёки маҳаллий ҳокимият органлари билан боғлиқ барча масалаларда тўлиқ ёрдам беради.

**"Uzauto"** тижорат банкларидан 8 фоизлик чет эл валютасида банк кредитлари олишда кўмаклашади.

"Uzauto" – "Uz chasys" МЧЖ ҚКнинг ишлаб чиқарган "автомобиллар учун бутловчи қисмлар"ни йиллик аввалдан белгиланган ҳажмларда қуйидаги шартларга асосан "Uzauto Motors" АЖ ва тизим корхоналари томонидан сотиб олинишини

**КАФОЛАТЛАЙДИ:**

– **Харидор** "Uzauto Motors" АЖ ва "UzautoComponents" МЧЖга "Uz chasys" МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқариладиган KD деталлари ва материалларини (маҳсулотнинг бутун ҳаётий даври давомида) етказиб беришни сақлаб қолиши шарт;

– **Харидор** корхонанинг асосий фаолият тури, активлар олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланиб қолади.

– **Харидор**, корхона бошқарув органлари барча қарорларини қабул қилишда келишиш, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг амалдаги жорий нархларига кўтаришга доир ўзгартиришлар киритмаслик ва кейинчалик, бозор шароитларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган, "UzAuto Motors" АЖ учун мақбул бўлган, лекин корхонанинг бошқа харидорлари таклиф этган нархдан кўп бўлмаган нархга овоз бериш мажбуриятини олади. Бунда, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нархидаги валюта курсидаги фарқ, импорт қилинувчи бутловчи қисмнинг нархи 5 фоиздан ортиқга ўзгарса 6 ойда бир ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг "Uzauto motors" АЖга етказиб бериш нархи қайта кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллийлаштириш мумкин бўлган бутловчи қисмларни камида 65 фоизни маҳаллийлаштириш мажбуриятини олади) ва ушбу ҳолатда кўриб чиқилган нарх 3-тарафларнинг таклиф этган нархидан кўпни ташкил этмайди. Солиқ, божхона, йиғимлар, коммунал тўловлар, логистика хизматлари нархи 10 фоиздан ортиқга ўзгарса 6 ойда бир ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг "Uzauto motors" АЖга етказиб бериш нархи қайта кўриб чиқилади ва ушбу ҳолатда кўриб чиқилган нарх 3-тарафларнинг таклиф этган нархдан кўпни ташкил этмайди.

– **Харидор**, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларнинг "Дженерал Моторс" стандартларига ва автомобиль ишлаб чиқарувчининг ("UzAuto Motors" АЖ) тегишли OEM талабларига мувофиқлигини таъминлайди ва маҳсулотларнинг лицензиати бўлган "Дженерал Моторс" компанияси томонидан тасдиқланган етказиб берувчиси билан техник қўллаб-қувватлаш бўйича лицензия келишуви тузишга мажбуриятини олади.

**Харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

– **Харидор** "Uz chasys" МЧЖ ҚК рентабеллигини ошириш ва "Uz chasys" МЧЖ ҚК харажатларини камайтириш учун ташаббусларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

– Агар **Харидор** "Uz chasys" МЧЖнинг жорий дебитори бўлса, жорий қарз суммасини "Uz chasys" МЧЖ улушини мустақил баҳоловчининг тегишли баҳолаш ҳисоботига асосан бозор қийматига нисбатан капитализация қилиш ҳуқуқига эга.

– **Харидор** "Uz chasys" МЧЖ ҚКнинг барча жорий мажбуриятларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бажаради.

– Кадрлар сонини оптималлаштиришда янги иш ўринлари (янги локализация лойиҳаларини амалга ошириш орқали) яратиш ва оптималлаштирилган ходимларни янги иш ўринларига ўтказиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

– **Харидор** UzAuto Motors AJ талабига биноан 1804 ва 1810-Форма шаклларини (Cost breakdown form) тақдим этади.

**Аукцион савдо 2021 йил 7 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 4 июнь куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001, "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*



## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/01-05-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри, Сада кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган:**

2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 995 ТВА бўлган, "NEXIA DOHC" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 9 024 000 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 9 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 7 июнь куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2021 йил 9 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 25 июнь ва 13 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*



## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "O'rta Osiyo trans" АЖнинг 2021 йил 30 апрелдаги 36-01/80-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сайфи Олимов кўчаси, 24-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавсифи (русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 186 RFA бўлган "Мерседес Бенц 1838 LS" русумли автотиркагич | 36 031 000 |
| 2. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 351 QAA бўлган "Мерседес Бенц 1838 LS" русумли автотиркагич | 37 648 000 |
| 3. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 352 QAA бўлган "Мерседес Бенц 1838 LS" русумли автотиркагич | 34 621 000 |
| 4. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 189 RFA бўлган "Мерседес Бенц 1935 S" русумли автотиркагич | 32 470 000 |
| 5. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 8976 АА бўлган "Изотермический" яримтиркама | 20 731 000 |
| 6. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5285 АА бўлган "Цельнометаллический SPKH 24" русумли яримтиркама | 17 916 000 |
| 7. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5286 АА бўлган "Цельнометаллический SPKH 24" русумли яримтиркама | 16 903 000 |
| 8. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5287 АА бўлган "Цельнометаллический SPKH 24" русумли яримтиркама | 17 422 000 |
| 9. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5289 АА бўлган "Цельнометаллический SPKH 24" русумли яримтиркама | 15 711 000 |
| 10. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5290 АА бўлган "Цельнометаллический SPKH 24" русумли яримтиркама | 14 992 000 |

**Аукцион савдо 2021 йил 8 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 4 июнь куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 8 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 24 июнь ва 12 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** “Строительство современных жилых домов в сельской местности” (Фаза-2)

**Форма финансирования:** Истисна’а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2021-01**

Крайний срок подачи предложений по Джизакской области, опубликованный в газете “O‘zbekiston bunyodkori” №25 (476) от 02.04.2021 года и на веб-сайтах: www.tenderweek.com и www.qqinvest.uz от 02.04.2021 года, продлевается в нижеуказанной последовательности.

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | Многоэтажный дом с 2- и 3-х комнатными квартирами | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | **Джизакская область** | **4** | **120** | **6** | **120** | | |
| ИБР-35 | Арнасойский | “Олтин водий” | 20 | 1 | 20 | 1 | 6 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-36 | Дустликский | А. Навои | 20 | 1 | 20 | 1 | 6 мая 2021 года, 15.20 |
| ИБР-37 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 1 | 6 мая 2021 года, 15.40 |
| ИБР-38 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 2 | 6 мая 2021 года, 16.00 |
| ИБР-39 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 3 | 6 мая 2021 года, 16.20 |
| ИБР-40 | Зафарабадский | Бустон | 20 | 1 | 20 | 1 | 6 мая 2021 года, 16.40 |


# “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

## нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2021 йил 4 июнь куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 09-АТ-311-сонли хатига, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси “Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси” Давлат корхонасининг 2021 йил 21 апрелдаги 18/1И-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси “Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси” Давлат корхонасининг 2021 йил 3 майдаги 79-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 136-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 376 НАА бўлган, ГАЗ-3307 русумли таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 659 000 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2021 йил 4 июндаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 9 июль кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ ҳисоб рақамига 15 (ўн беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами: 2020 8000 0049 5964 3001, “Ипотека-банк” АТИБ Тинчлик филиали, МФО 00580, СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*


# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “O‘rta Osiyo Trans GLS” МЧЖнинг 2021 йил 30 апрелдаги 19-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сайфи Олимов кўчаси, 24-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавсифи (русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 052 YBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 25 413 000 |
| 2. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 074 NCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 27 562 000 |
| 3. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 187 NCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 22 665 000 |
| 4. | Мерседес Бенц 1838 LS русумли, давлат рақами 01 243 HCA бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотиркагич | 22 949 000 |
| 5. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 273 SBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 28 728 000 |
| 6. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 276 SBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 18 226 000 |
| 7. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 459 ECA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 18 318 000 |
| 8. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 477 KCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 23 664 000 |
| 9. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 484 UCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 21 062 000 |
| 10. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 533 HCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 21 130 000 |
| 11. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 591 QBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 30 238 000 |
| 12. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 595 WBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 17 472 000 |
| 13. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 604 YBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 22 527 000 |
| 14. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 608 YBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 23 560 000 |
| 15. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 635 KCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 21 136 000 |
| 16. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 715 RBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 30 256 000 |
| 17. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 716 YBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 33 342 000 |
| 18. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 724 YBA бўлган “Мерседес Бенц 1938 S” русумли автотиркагич | 25 854 000 |
| 19. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 856 KAA бўлган “Мерседес Бенц 1835 S” русумли автотиркагич | 27 321 000 |
| 20. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 804 ZBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 29 496 000 |
| 21. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 534 HCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 34 390 000 |
| 22. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 630 KCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 45 202 000 |
| 23. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 054 DCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 19 986 000 |
| 24. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 062 GBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 17 736 000 |
| 25. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 131 HCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 33 787 000 |
| 26. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 139 CAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 21 052 000 |
| 27. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 190 NCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 S” русумли автотиркагич | 23 685 000 |
| 28. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 192 NCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 23 750 000 |
| 29. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 211 NCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 16 102 000 |
| 30. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 211 WBA бўлган “Мерседес Бенц 1938 LS” русумли автотиркагич | 20 772 000 |
| 31. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 290 GBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 20 554 000 |
| 32. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 389 NBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 28 776 000 |
| 33. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 421 NBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 22 759 000 |
| 34. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 424 DCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 30 933 000 |
| 35. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 432 NBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 29 027 000 |
| 36. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 442 JCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 LS” русумли автотиркагич | 22 678 000 |
| 37. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 443 JCA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 21 941 000 |
| 38. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 455 KCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 LS” русумли автотиркагич | 23 901 000 |
| 39. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 620 WBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 LS” русумли автотиркагич | 24 609 000 |
| 40. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 655 OCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 LS” русумли автотиркагич | 21 928 000 |
| 41. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 809 ZBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 29 541 000 |
| 42. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 810 ZBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 30 929 000 |
| 43. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 811 ZBA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 35 866 000 |
| 44. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 854 LAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 26 275 000 |
| 45. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 872 YAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 31 553 000 |
| 46. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 106 EBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 32 368 000 |
| 47. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 388 ABA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 25 853 000 |
| 48. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 394 ABA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 24 968 000 |
| 49. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 395 ABA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 25 073 000 |
| 50. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 409 ABA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 33 735 000 |
| 51. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 957 ZAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 26 210 000 |
| 52. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 083 RAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 32 420 000 |
| 53. | 1993 йилда ишлаб чиқарилсин, давлат рақами 75 179 QAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 29 155 000 |
| 54. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 294 VAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 33 046 000 |
| 55. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 379 UAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 31 632 000 |
| 56. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 381 UAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 33 317 000 |
| 57. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 584 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 LS” русумли автотиркагич | 39 025 000 |
| 58. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 719 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 24 237 000 |
| 59. | 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 739 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 37 882 000 |
| 60. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 791 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич | 33 553 000 |
| 61. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 794 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 28 819 000 |
| 62. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 915 QAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич | 26 339 000 |
| 63. | 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 089 ZBA бўлган “DAEWOO Magnus” русумли енгил седан | 46 946 000 |
| 64. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 392 HBA бўлган “ИВЕКО 65-9” русумли юк автомобили | 22 751 000 |
| 65. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1106 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 11 832 000 |
| 66. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1455 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 11 593 000 |
| 67. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2060 AA бўлган “Контейнеровоз” русумли яримтиркама | 11 316 000 |
| 68. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2609 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 10 907 000 |
| 69. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2612 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 14 008 000 |
| 70. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2702 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 13 415 000 |
| 71. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3008 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 14 281 000 |
| 72. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3163 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 9 666 000 |
| 73. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3187 AA бўлган “Контейнеровоз” русумли яримтиркама | 7 492 000 |
| 74. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3492 AA бўлган “Изотермический” русумли яримтиркама | 15 579 000 |
| 75. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3751 AA бўлган “Изотермический” русумли яримтиркама | 13 278 000 |
| 76. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3753 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 13 290 000 |
| 77. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3754 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 13 727 000 |
| 78. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5219 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 10 982 000 |
| 79. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5220 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 9 002 000 |
| 80. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5221 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 13 341 000 |
| 81. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5223 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 12 401 000 |
| 82. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5252 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 10 804 000 |
| 83. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5264AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 9 870 000 |
| 84. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5267AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 11 070 000 |
| 85. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5386AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 14 779 000 |
| 86. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1107 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 11 926 000 |
| 87. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 0335AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 12 052 000 |
| 88. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 0447AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 14 279 000 |
| 89. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 0845 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 7 770 000 |
| 90. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1104 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 8 797 000 |
| 91. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1317 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 8 136 000 |
| 92. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1454 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 11 073 000 |
| 93. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1477 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 10 973 000 |
| 94. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2148 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 13 072 000 |
| 95. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2698 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 10 916 000 |
| 96. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2720 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 14 604 000 |
| 97. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2725 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 11 614 000 |
| 98. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2728 AA бўлган “Контейнеровоз” русумли яримтиркама | 6 842 000 |
| 99. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3009 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 7 254 000 |
| 100. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3223 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 9 776 000 |
| 101. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3491 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 11 552 000 |
| 102. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3748 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 11 827 000 |
| 103. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3755 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 11 699 000 |
| 104. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5049 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 10 353 000 |
| 105. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5078 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 11 365 000 |
| 106. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5202 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 14 808 000 |
| 107. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5254 AA бўлган “Изотермический” русумли яримтиркама | 13 532 000 |
| 108. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 5268 AA бўлган “Цельнометаллический” русумли яримтиркама | 10 257 000 |
| 109. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 7991 AA бўлган “Контейнеровоз” русумли яримтиркама | 12 237 000 |
| 110. | 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 8644AA бўлган “Контейнеровоз” русумли яримтиркама | 21 563 000 |
| 111. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 2365 AA бўлган “Каркасно-тентовый” русумли яримтиркама | 13 654 000 |
| 112. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, русумли давлат рақами 75 2384 AA бўлган “Цельнометаллический” яримтиркама | 12 728 000 |
| 113. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, русумли давлат рақами 75 2658 AA бўлган “Цельнометаллический” яримтиркама | 11 170 000 |
| 114. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 3197 AA бўлган “Рефрижератор” русумли яримтиркама | 9 905 000 |

**Аукцион савдо 2021 йил 8 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 4 июнь куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 8 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 24 июнь ва 12 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001, “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№34 (485) 2021 йил 4 май

# Етти пир: Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий – XII асрнинг охирларида Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Анжирфағнав (ҳозирги Анжирбоғ) қишлоғида туғилиб, 1286 йили шу ерда вафот этган.**

Мустақиллик йилларида унинг қабри устида янги мақбара бунёд этилди. Мақбара ёнида жомеъ масжиди қурилган, боғ барпо этилиб, ҳовуз қазилган. Шу тариқа бу ер обод зиёратгоҳга айлантирилган. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий Бухоро вилоятидаги етти нақшбандий пирнинг учинчиси сифатида улуғланади. Қабрига зиёратга келувчиларнинг қадами узилмайди.

У хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, Бухоро вилоятидан ўтган машҳур етти пирнинг учинчиси Хожа Маҳмуд Хожа Ориф Ревгарий Моҳитобоннинг муриди ҳисобланади. Пири вафотидан кейин тариқатни у бошқарган. Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)дан бошланадиган силсилайи шарифнинг 12-ҳалқасидаги пир ҳисобланади.

Манбаларда унинг ўрта бўйли, оқ танли, хушбичим бурунли, кенг оғизли, қора соқолли, кўркам юзли киши бўлгани тасвирланади. Бошига оқ салла ўрар, кароматлари жуда кўп эди. Жумладан, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, Бадриддин Сарҳиндийнинг “Ҳазарот ул-қудс”, Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин”, Маждиддин Бадахшонийнинг “Жомиъ ус-салосил” асарларида Маҳмуд Анжирфағнавийнинг катта бир оқ қуш шаклига кириб, ҳавога учгани зикр этилади.

Насли – саййидзодалардан. Шунинг учун манбаларда Маҳмуд Анжирфағнавий номи олдидан *Хожа* сўзи ишлатилганига дуч келамиз. Кун кечириш учун дурадгорлик ва тижорат билан шуғуллангани ҳақида маълумотлар бор.




Хуфия (яширин) зикр билан жаҳрия (баланд товуш чиқариб ижро этиладиган) зикрга баравар амал қилган. У ёлғиз ҳолда зикр тушилаётганда зикри хафий, жамоат бўлиб зикр тушилаётганда зикри жаҳрий кўпроқ фойда беради, деб ҳисоблаган. Шу тариқа, Маҳмуд Анжирфағнавий хожагон тариқатида зикри жаҳрияни бошлаб берган. Унинг фикрича, ошкора ёки яширин зикрдан кўзланган мақсад — бир бўлиб, ҳикмат, маслаҳат ва ҳолат зарурати ҳар икки зикрда ҳам мавжуд.



Маҳмуд Анжирфағнавий Хожа Али Ромитаний, яъни, Хожайи Азизоннинг пири ҳисобланади.

Зиёратгоҳда масжид, қудуқ ва қабр ҳозиргача сақланиб қолинган. Аммо қабр устидаги мақбара нурагани учун 2018 йили бузилиб, 2019 йилда қайтадан шарқона миллий услубда қурилди. Ҳозирги кунда зиёратгоҳда янги гумбазли дарвозахона, аёллар ва эркаклар учун янги таҳоратхона, худойихона, кушхона, икки қаватли 60-70 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, автотураргоҳ, минора, мақбаранинг уч томонида учта айвон, қудуқ, жомеъ масжид, маъмурий бинолар, миллий шарқона услубда қурилган мақбара, чиллахона ҳамда яшил йўлаклар, манзарали гуллар, мевали дарахтлардан боғ барпо этилган. Зиёратгоҳ ҳудудидаги жомеъ масжидда ҳайит, жума ва беш маҳал намозлар жамоат билан адо этилмоқда.

# Хожа Али Ромитаний (Хожайи Азизон)

**Хожа Али Ромитаний (Хожайи Азизон) – 1194 йили Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғида таваллуд топиб, 1316 (ёки 1321) йили шу ерда вафот этган. Халқ орасида Али Ромитанийнинг 130 йил яшагани ҳақида оғзаки маълумотлар кенг тарқалган. Милодий ҳисобда 127 ёшга кирганини буни исботлайди.**



Хожа Али Ромитаний Қўрғон қишлоғи яқинидаги Сарибўстон қишлоғи қабристонига дафн этилган. Қабри устида мақбара қурилган. Мустақиллик йилларида бу мажмуа қайта таъмирланди, обод қилинди. Қабр ёнида жомеъ масжиди бунёд этилди. Бу ер Бухоро вилоятидаги етти нақшбандий пирнинг тўртинчиси ётган муқаддас маскан сифатида гавжум зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

Манбаларда исмига *Хожа* сўзи қўшилган ҳолда учрайди. *Хожайи Азизон*, яъни *Азиз-авлиёлар хожаси* нисбаси билан машҳур бўлган. Баъзан *Азизон* деб ҳам тилга олинади. Хожагон-нақшбандия тариқатининг пирларидан бири ҳисобланган Хожаи Азизон тўқувчилик билан кун кечирган. Хоразмда бир муддат яшаб, хонақоҳ очган, бу воҳада хожагон тариқати ғояларини тарқатишга катта ҳисса қўшган. Сўфийлик йўлида пири — Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий ҳисобланади. Ўзидан кейин тариқатга пирлик қилиш ваколатини шогирди Хожа Муҳаммад Бобо Самосийга топширган.

Бизгача унинг “Маноқиби Хожа Али Азизон Ромитаний” асари етиб келган. Унда тасаввуф аҳлининг ахлоқ-одоби, хожагон тариқати тартиб-қоидалари, муаллифнинг панд-насиҳатлари жамланган. Тариқатнинг 10 шарти алоҳида-алоҳида баён қилиб берилган.

Али Ромитаний ўрта бўйли, гўзал чеҳрали инсон бўлган. У фақирлик йўлини танлаб, хожагон-нақшбандиянинг *“Зоҳирда – халқ билан, ботинда эса – Ҳақ билан”*, – деган қоидасига қатъий амал қилиб яшаган. Али Ромитанийнинг форс-тожик тилида битган кўплаб шеърлари бизгача етиб келган. У *Муҳаммад* исмли беш муридини тарбиялаган. Улардан бири Хожа Муҳаммад ўз ўғли, Хожа Муҳаммад Куларуз билан Хожа Муҳаммад Борудий хоразмлик, Хожа Муҳаммад Салоҳ балхлик, Хожа Муҳаммад Бобо эса бухоролик эди. Уларнинг ҳар бири илмда, тариқат ва фазилатда камолга етган кишилар бўлган. Али Ромитаний силсила омонатини Маҳмуд Фағнавийдан олган.

> **Хожа Али Ромитаний ибратларидан:**
>
> **Хизматни миннат бил, миннатни хизмат билма.**
>
> * * *
>
> **Инсон доимо хайрли ишлар қилиши, лекин “қилмадим” деб ҳисоблаши керак.**

Али Ромитанийнинг: *“Агар Ер юзида Хожа Абдулхолиқ (яъни Ғиждувоний) фарзанд (яъни мурид)ларидан бири бўлса эрди, Мансур (яъни Ҳаллож) ҳаргиз (яъни ҳеч қачон) дор остиға бормас эрди”*, деган фикри тасаввуф оламида жуда машҳур бўлган. Бу билан у хожагон тариқатининг асосчиси тасаввуфда мўътадил йўлни бошлаб берганини таъкидлаган.

“Хожа Али Ромитаний” номидаги масжид 2004 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Унда дарвозахона, жомеъ масжиди, мақбара ва миллий услубда қурилган айвон, ҳовуз, тошқудуқ, меҳмонхона ва ошхоналар мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда иккита меҳмонхона, қудуқ ва масжид атрофида мевали дарахтлардан иборат махсус боғ ҳам ташкил этилган. Қўрғон қишлоғидаги ушбу жомеъ масжидда жума намозлари, Рамазон ва Қурбон ҳайити намозлари адо этилади. Намозхонлар учун эркаклар ва аёллар таҳоратхонаси мавжуд. Моҳир наққош усталар таклиф этилиб, 2014 йилда Хожа Али Ромитаний мақбарасидаги қабр тоши янгиланди.

Юртбошимизнинг 2018 йил февраль ойида Бухоро вилоятига қилган ташрифлари чоғида Етти пир зиёратгоҳини ободонлаштириш ташаббуси билан чиққани ва шу жумладан, Ромитан тумани “Азизон” МФЙ Ўба қишлоғи ҳудудида жойлашган Хожа Али Ромитаний зиёратгоҳида қурилиш ва таъмирлаш амалга оширилиб, уч гумбазлик янги кириш дарвозаси, ҳовуз, баландлиги 16 метрли минора, Ҳазрат Али Ромитаний қабрлари устига мақбара, эркак ва аёллар учун таҳоратхона, кутубхона қуриб битказилди. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида йўллар таъмирланиб, меҳмонлар учун автотураргоҳ ҳам ташкил қилинди.

Зиёратгоҳнинг ёнида 43 кишилик янги замонавий “Қўрғон” меҳмонхонаси мавжуд. Зиёратгоҳ чашмаси (қудуқ) таъмирланиб, ўзгача қиёфа акс этди. Азизон зиёратгоҳида юздан ортиқ манзарали кўчатлар, турфа хил гуллар зиёратгоҳнинг чиройига чирой қўшмоқда. Хожа Али Ромитаний зиёратгоҳи қаршисида тўрт минг йиллик тарихга эга Афросиёб қурдирган Ромитан қўрғони (қалъа) мавжуд. Бу ерга ташриф буюрувчилар зиёрат асносида қадимий қалъани ҳам томоша қилиб келмоқдалар.

# Суд бинолари таъмирланиб, янгилари қурилади

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистонда судьялар мустақиллиги, улар фаолиятининг жамоатчилик учун очиқ ва шаффофлигини таъминлаш баробарида судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шароитларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг суд биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган давлат дастурига кўра, белгиланган муддатда 31 та янги бино барпо этиш ҳамда 107 тасини таъмирлаш режалаштирилган.

Шундан, 11 таси Андижонда бунёд этилади. Жалақудуқда қад ростлаган суд биноси вилоятда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар дебочаси бўлди. Шоядбек Каримов раҳбарлик қилаётган “Радиус сервис” корхонаси томонидан қарийб 4,5 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган бино замонавий жиҳозлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланган. Фуқаролар ва аризаларни қабул қилиш, она ва бола, тиббиёт хоналари, прокурор, адвокат учун махсус хоналар, кутубхона, видеоконференц-алоқа, инфокиоск, корпоратив тармоқ тизими шулар жумласидан.

Суд биносида ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ кенг имкониятлар яратилгани биринчи навбатда фуқаролар, жумладан, муайян иш юзасидан қатнашаётган тарафларга жуда катта қулайликлар яратиб, оворагарчиликларга чек қўяди. Хусусан, видеоконференц-алоқа (ВКС) тизими барча вилоятлардаги судлар билан интеграциялашган. Бу эса бирор низо юзасидан даъвогар ёки жавобгарнинг бошқа ҳудуддан туриб ВКС орқали суд мажлисида қатнашиши учун имконият демакдир. Ҳатто, даъвогар мамлакатдан ташқарида бўлган тақдирда ҳам ВКС тизими ёрдамида суд мажлисида иштирок этиб, кўрсатма бериши мумкин. Бундан ташқари, суд қабулхонасида жойлашган инфокиоск орқали фуқаролар судлар фаолиятига дахлдор тартиб-таомиллар, Олий суд пленуми қарорлари, соҳага оид янгиликлар, 18 турдаги даъво аризалари билан танишиши, зарур ҳолда даъво аризаларидан намуна олиши мумкин.

Янги қабул қилинган тартибга кўра, шаҳар ва туманлардаги маъмурий судлар негизида Андижон туманлараро маъмурий суди ташкил этилди. Барча ҳудудлардаги оммавий-ҳуқуқий муносабатларга доир низолар мазкур судда кўрилади. Эндиликда Андижон туманлараро маъмурий суди, ҳудудлардаги фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судларга Жалақудуқдан келиб тушган даъво аризалари юзасидан судьялар шу туман судига бориб, мажлисларни мазкур бинода ўтказади. Бу, ўз навбатида, фуқаролар вақтини тежаб, ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради.

# Онлайн семинар

**Анзират НИГМАДЖАНОВА,**
ТАҚИ халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.

**Институтимизда Германиянинг Потсдам амалий фанлар университети билан ўзаро ҳамкорликда онлайн семинар ўтказилди.**

Унда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш ва Бухоро давлат институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, Маданий мерос департаменти мутахассислари, таълим муассасамиз ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тингловчилари, Бухоро усталар жамияти аъзолари қатнашдилар.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари Камола Акилова ва Потсдам университети ректори Ева Шмидт-Роттермунд сўзга чиқиб, қатнашчиларга муваффақият тилашди. Шундан сўнг, Потсдам амалий фанлар университети профессори Штефан Лау “Таҳлилий ёндашув: барқарор консервация концепцияси тамойиллари” мавзусида маъруза қилиб, Самарқанд шаҳридаги “Ишрат хона” мажмуаси ва Бухородаги “Абдулазизхон” мақбарасида амалга оширилган реставрация ишлари тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, тарихий обидаларнинг пастки қисмини туз билан қопланишининг олдини олиш ҳамда кошинларини қайта тиклаш хусусида ҳам гапирди.

Маъруза якунида тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Бу каби семинарлар дастурга кўра, уч маротаба ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Май ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими (комплаенс назорат) бош мутахассиси **Бахтиёр Карабаев,** Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фаррух Мухаммадиев,** сантехник **Зоир Яхяев,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбар котибаси **Зуҳра Иноятова,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Эркин Шаниязов,**

Андижон вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Абдурахмон Ахмаджонов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассиси **Абдуфаттоҳ Ярашев,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Норқўзи Саиднасимов,** инспектор **Отабек Валиев,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Жумағул Бекжанов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Парахат Тлеуниязов,** етакчи мутахассиси **Калбай Бекмурзаев,**

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Шоҳруҳ Бакаев,**

Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш бўлими бош иқтисодчиси **Акмал Азизов,** Поп тумани шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш архитектори **Собир Юлдашев,** Чортоқ тумани объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Азамат Тошбаев,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси иш юритувчиси **Дилдора Юсупова,**

Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Санжар Шодиев,** Қурилиш бош бошқармаси таркибидаги Архитектура-режалаштириш бюроси УК архитектори **Хусен Хайдаров,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Саадин Шодиев,**

Сирдарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси қоровули **Шавкат Шертайлаков,** Сардоба тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жавоҳир Қайнаров,**

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Нуриддин Турғунов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Рустам Саидахмедов,**

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Акбаржон Тожиев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-543.
2537 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.
ЎзА якуни – 23.05. Топширилди – 23.55. 1 2 3 4 5 6